


## Ислом аёлларни улуғлайди



14:30 / 25.04.2022 2535

Ҳарамда энг аввал яшаган аёл — Ҳожардир

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг аввал иймон келтирган аёл – Ҳадича розияллоҳу анҳодир.

Ислом йўлида энг аввал аёл қони оққан, у ҳам бўлса — Сумайя Умму Аммор Оли Ёсирдир.

Қуръони Каримдаги энг узун уч суранинг бирининг номи – Нисо, яъни, «Аёллар»дир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажжатул вадоеъ – видолашув ҳажида уч мартаба такрорлаб: «**Бас, аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансизлар**» деганлар.

Хўш, Исломдан ўзга аёлларни бу қадар ҳурматлаган бошқа бирон дин, мафкура борми?

**Манба: arabic.uz**